

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**62** **Ҳисоб-китоб (смета) қиймати ошириб юборилган объектлар бўйича хулосалар тайёрлаш ва уларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ва фуқаро объектларини лойиҳалаш ва қуришда тегишли тартиб ўрнатиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1666-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилганда объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш қийматини аниқлаштириш механизминини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ҳисоб-китоб (смета) қиймати ошириб юборилган объектлар бўйича хулосалар тайёрлаш ва уларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Зокиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 7 февраль,  
32-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 7 февралдаги 32-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ҳисоб-китоб (смета) қиймати ошириб юборилган объектлар бўйича хулосалар тайёрлаш ва уларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**І. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ва фуқаро объектларини лойиҳалаш ва қуришда тегишли тартиб ўрнатиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1666-сон қарорини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган ва қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш) қиймати илгари белгиланган қийматдан ошадиган иж-

тимойй ва фуқаро объектлари бўйича хулосаларни тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш) қўйидагилар ҳисобига амалга ошириладиган ижтимоий ва фуқаро объектларига татбиқ этилади:

марказлаштирилган манбалар;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари;

давлат корхоналари маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остидаги хорижий кредитлар ҳамда халқаро ва хорижий молия институтлари томонидан бериладиган хорижий грантлар.

Ижтимоий ва фуқаро объектлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан белгиланади.

3. Ушбу Низомга мувофиқ (лойиҳа ечимларини яхшилаш, шунингдек ишлаб чиқилган лойиҳада илгари йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида) ижтимоий ва фуқаро объектлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларига (кейинги ўринларда лойиҳа деб аталади) ўзгартиришлар киритиш масалалари кўриб чиқилади, ушбу ўзгартиришлар натижасида қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш) қиймати қўйидагилардан ошади:

тендер савдолари натижалари бўйича аниқланган шартномавий қиймат (ишларнинг физик ҳажмларини, бошқа ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаштиришда ҳамда тузатишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси экспертиза органларининг тегишли хулосасидан кейин фойдаланиладиган ресурсларни ўзгартиришда, ўтувчи объектларнинг қолдиқ қийматини белгиланган тартибда қайта ҳисоблаб чиқиш ҳолатларидан ташқари);

улар бўйича бош пудратчи ташкилот Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорига кўра белгиланган ёки ишлар хўжалик усулида бажариладиган объектлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси экспертиза органларининг хулосасига мувофиқ смета қиймати, шунингдек белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан кейин лойиҳалаштириш билан параллел равишда қуриладиган объектлар қиймати (ишларнинг физик ҳажмларини, бошқа ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаштиришда ҳамда тузатишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси экспертиза органларининг тегишли хулосасидан кейин фойдаланиладиган ресурсларни ва уларнинг нархларини ўзгартиришда, шунингдек ўтувчи объектнинг қолдиқ қийматини белгиланган тартибда қайта ҳисоблаб чиқишда).

## **II. Лойиҳага ўзгартиришлар киритиш бўйича материалларни тақдим этиш тартиби**

4. Лойиҳага объект қийматининг кўпайишига олиб келадиган ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларнинг асосланганлигини кўриб чиқиш учун

вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат корхоналари (кейинги ўринларда ташаббускорлар деб аталади) томонидан Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасига мурожаат тақдим этилади, унга қуйидаги материаллар илова қилинади:

а) илгари тасдиқланган лойиҳага ўзгартиришлар киритиш сабаблари баён қилинган ҳолдаги тушунтириш хати, шунингдек тасдиқланган лойиҳа ечимларини яхшилаш учун зарур бўлган чора-тадбирлар рўйхати;

б) илгари тасдиқланган лойиҳада назарда тутилган ва қайта кўриб чиқишга тавсия қилинаётган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар (лойиҳа-смета кўрсаткичлари);

в) илгари тасдиқланган лойиҳа бўйича ахборот: лойиҳалашга топширик, умумий тушунтириш хати, техник-иқтисодий асослашлар, объектнинг бош плани, планлари, кесмалари, муҳим техник ечимларни тавсифловчи принципиал схемалар, йиғма ресурс сметаси, эксперт хулосаларининг нусхалари;

г) ўзгартирилган лойиҳанинг техник-иқтисодий қисми, унда ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ тузилган параметрлар кўрсатилади;

д) смета қийматини ўзгартиришлар киритиладиган моддалар бўйича объектни қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш) лойиҳасининг бўлими;

е) аниқлаштирилган йиғма ресурс сметаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган харажатлар маълумоти;

ж) харажатлар турлари бўйича тақсимланган йиғма ресурс сметасининг боблар, объектлар ва моддалар бўйича ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ тузилган объектни қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш) қийматининг қиёсий ведомости;

з) қиймати тузилган контрактга нисбатан ошиб кетган тақдирда, импорт контракти юзасидан белгиланган тартибда берилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг хулосаси;

и) қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш) смета қийматининг кўпайиши, шу жумладан қуйидагилар сабабли зарур бўладиган чизмалар ва ҳисоб-китоблар:

буюртмачиларнинг, лойиҳалаш, қидирув, илмий-тадқиқот ташкилотлари, давлат ва тармоқ экспертиза органлари ва бошқа ташкилотларнинг хато ва камчиликлари (ишлаб чиқариш технологияси ва ускуналар турини танлаш бўйича асосланмаган ечим, қурилишнинг геологик, гидрогеологик ва бошқа шарт-шароитларини нотўғри белгилаш, ишларнинг ҳажмларини, қурилиш материаллари, буюмлар, ускуналар ва бошқаларнинг нархларини пайсйтириб/ошириб юбориш, қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмларни ташишнинг самарасиз транспорт схемаларини қўлланиш, форс-мажор ҳолатларидан ташқари). Шу билан бирга, тушунтириш хатига йўл қўйилган хатолар сабабли (мавжуд бўлса) ишларни бажарувчиларга нисбатан белги-

ланган тартибда қўлланилган чоралар ва жарима санкциялари тўғрисидаги маълумотлар ҳам илова қилинади;

бозор конъюнктурасининг ўзгариши, янги технологик ечимларни қўлла-ниш, ускуналарга қўшимча эҳтиёж (агар бу илгари тасдиқланган лойиҳани ишлаб чиқишда лойиҳалаш ташкилоти томонидан ҳисобга олинмаган бўлса) билан боғлиқ ҳолда ускуналар қийматининг кўпайиши;

объектнинг иқтисодий, экологик ёки ижтимоий самарадорлигини оши-риш мақсадида вазирликлар, идоралар ва лойиҳалаш ташкилотлари такли-фи бўйича лойиҳа ечимларини қайта кўриб чиқиш;

к) зарурлиги лойиҳани қайта кўриб чиқиш натижасида пайдо бўлган, лойиҳани ёки унинг алоҳида қисмларини қўшимча келишиш тўғрисидаги ҳужжатлар;

л) қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш)нинг ҳолати, ҳужжатларни тақдим этиш санасидан олдинги йил чораги якуни юзасидан тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга ўзлаштирилган ва молиялаштирилган маблағлар суммаси тўғрисидаги маълумотлар;

м) тендер комиссиясининг протоколлари ёки қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш)нинг илгари тасдиқланган қиймати бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тегишли қарорлари;

н) улар бўйича бош пудратчи ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ белгиланган ва/ёки ишлар хўжалик усулида бажариладиган ўтувчи объектларнинг қолдиқ қийматини белгилан-ган тартибда қайта ҳисоблаб чиқиш материаллари.

Қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш)нинг қийматини ўзгартиришларни таҳлил қилиш натижалари ушбу Низомга 3-иловага муво-фиқ шакл бўйича, объектнинг смета қиймати кўпайиши сабаблари тўғриси-даги маълумотнома тарзида расмийлаштирилади.

### **III. Таклифларни кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартиби**

5. Ушбу Низомнинг 4-бандига мувофиқ тақдим этилган материаллар Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан улар тушган кундан бошлаб 10 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқи-лади.

6. Лойиҳага ўзгартиришлар киритиш асоссиз бўлган тақдирда Ўзбекис-тон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан ташаббускорга рад этишнинг сабаблари муфассал ёзилган рад этиш тўғрисидаги ёзма бил-диришнома юборилади. Бир вақтнинг ўзида хатнинг нусхалари Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига ва Молия вазирлигига юборилади.

7. Лойиҳага ўзгартиришлар киритиш масаласи бўйича Ўзбекистон Рес-публикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг хулосаси ижобий бўлган тақдирда ташаббускор томонидан ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Молия вазирлигига келгусида кўриб чиқиш ва келишиш учун тақдим этилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ижобий хулосаси тушган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасига тегишли хулосаларни тақдим этадилар.

9. «Давархитектқурилиш» қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ҳукумат комиссиясига объектни қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш) юзасидан илгари тасдиқланган лойиҳа қийматининг қимматлашишига олиб келган ўзгартиришларни киритиш бўйича йиғма асосланган таклифни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги хулосалари тушган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида киритади.

Хулосаларда келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан қўшма мажлис ўтказилади ва келишилган ягона қарор қабул қилинади.

10. Объектни қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш) юзасидан илгари тасдиқланган лойиҳага объект қийматининг қимматлашишига олиб келган ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор қурилиши ва реконструкция қилиниши Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати даражасида тасдиқланадиган объектларнинг манзилли рўйхатларини тасдиқлаш бўйича Ҳукумат комиссияси протоколи билан расмийлаштирилади.

Лойиҳага объектларни қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш) қийматининг кўпайишига олиб келадиган ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларнинг асосланганлиги юзасидан хулосаларни тақдим этиш, кўриб чиқиш ва юбориш схемаси ушбу Низомга 4-иловада келтирилган.

11. Қурилиши ва реконструкция қилиниши Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати даражасида тасдиқланадиган объектларнинг манзилли рўйхатларини тасдиқлаш бўйича Ҳукумат комиссиясининг мажлис қарори ташаббускорларнинг қурилишлар (мукамал таъмирлаш)нинг манзилли рўйхатларини кўриб чиқишда улар бўйича ушбу Низомнинг шартларига мувофиқ қиймати оширилган объектларни қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш) қийматини (уни кейинчалик белгиланган тартибда молиялаштириш учун) кўпайтиришга асос ҳисобланади.

Хисоб-китоб (смета) қиймати ошириб юборилган объектлар бўйича хулосалар тайёрлаш ва уларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

(лойиҳанинг номи)

**Ишлаб чиқариш йўналишида бўлмаган объектнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари  
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Параметрлар номи	Объектнинг кўрсаткичлари		Тасдиқланган лойиҳа бўйича	Қайта тасдиқлашга тақдим этилган лойиҳа бўйича	Қайта тасдиқлаш учун тавсия қилинган
		ўлчов бирлиги	қуввати			
1.						
2.						
3.						
4.						
5.						

Лойиҳалаш ташкилоти раҳбари

\_\_\_\_\_ (имзо, муҳр)

Буюртмачи

\_\_\_\_\_ (имзо, муҳр)

Хисоб-китоб (смета) қиймати ошириб юборилган объектлар бўйича ҳулосалар тайёрлаш ва уларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

(лобиҳаннинг номи)

### Курилиш объекти нархини ўзгартиришнинг ҚИЁСИЙ ЖАДВАЛИ

Т/р	Объектларнинг қисмлари, йиғма ҳисоб-китоб боблари, ишлар ва харажатлар номи	Объектнинг илгари тасдиқланган нархи жорий нархларда (гендер объектлари бўйича — оферталар), даги ҳолатига кўра шу жумладан				Қайта тасдиқланган вақтида ўзлаштирилган капитал қўйилмалар даги ҳолатига кўра шу жумладан				Қайта тасдиқлаш вақтида молиялаштирилган даги ҳолатига кўра шу жумладан			
		жамин	қурилиш-монтаж ишлари	асбоб-уқкуналар	бошқа харажатлар	жамин	қурилиш-монтаж ишлари	асбоб-уқкуналар	бошқа харажатлар	жамин	қурилиш-монтаж ишлари	асбоб-уқкуналар	бошқа харажатлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14

Жадвал ДАВОМИ

Қайта тасдиқлаш вақтида қиймаг қолдиги _____ даги ҳолатига кўра	Қайта тасдиқлаш вақтида киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қилинган қиймаг қолдиги, _____ даги ҳолатига кўра				Киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда объектнинг аниқланган смета қиймати				Объект қийматининг ўзгариши (+;-)						
	жами	қурилиш-монтаж ишлари	асбоб-ускуналар	бошқа харажатлар	жами	қурилиш-монтаж ишлари	асбоб-ускуналар	бошқа харажатлар	жами	қурилиш-монтаж ишлари	асбоб-ускуналар	бошқа харажатлар	жами		
15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30

Лойиҳалаш ташкилоти раҳбари

Букортмачи

Келишилган (бош пудратчи)

\_\_\_\_\_ (имзо, муҳр)

\_\_\_\_\_ (имзо, муҳр)

\_\_\_\_\_ (имзо, муҳр)



Ҳисоб-китоб (смета) қиймати ошириб юборилган объектлар бўйича ҳулосалар тайёрлаш ва уларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартиби тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

(лойиҳанинг номи)

### Қурилишнинг смета қийматини ошириш сабаблари тўғрисида МАЪЛУМОТЛАР

Т/р	Лойиҳани қайта тасдиқлашни келишиш тўғрисида йлтимоснома киритган вазирлик (ишора), бош лойиҳачи, лойиҳа номи	Харажатлар маълумоти бўйича қурилиш объектнинг қиймати, млн сўм.				Қурилиш объектларининг қийматини кўпайтириш, млн сўм.				
		иллари тасдиқлангани	маълум қилингани	келинилгани	жами (шў жумладан қурилиш-монтаж ишлари)	лойиҳалаш инстиутлари, қидрув ва илминий-тадиқот ташкилотлари хатолари	етказиб берувчлар томондан асбоб-ускуналар қийматини кўпайтириш	шў жумладан вазирликлар, идоралар ва лойиҳа ташкилотлари тақлифлари бўйича лойиҳа қарорларини қайта кўриб чиқиш	қурилиш шартларининг ўзгариши мунсабатини билан ҳамма 10-олинмаган бошқа сабабларга кўра	Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бўйича тадиблар
1		4	5	6	7	8	9	10	11	12

Лойиҳалаш ташкилоти раҳбари


Буюртмачи

(имзо, муҳр)

(имзо, муҳр)

Ҳисоб-китоб (смета) қиймати ошириб юборилган объектлар бўйича хулосалар тайёрлаш ва уларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**Объектларни қуриш (реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш) қийматини оширишга олиб келадиган лойиҳа-смета хужжатлари (ЛСХ)га ўзгартиришлар киритиш таклифларининг асосланганлиги бўйича хулосаларни тақдим этиш, кўриб чиқиш ва юбориш  
СХЕМАСИ**



Изоҳлар:

1. Ташаббускорлар мурожаатларини кўриб чиқишнинг умумий муддати, Ҳукумат комиссиясига хужжатларни киритишни ҳисобга олган ҳолда, 20 иш кунидан ошмаслиги керак.

2. Хулосаларда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва «Давар-хитектқурилиш» қўмитасининг келишмовчиликлари мавжуд бўлганда қўшма мажлис ўтказилади ва келишилган ягона қарор қабул қилинади.